

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИДА МИСГАРЛИК САНЪАТИ

Нилуфар Қосимова Муратжон қизи
*ҚДПИ Тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси кафедраси ўқитувчиси.*

Аннотация: *Халқ амалий санъатлари ичида мисгарлик санъати жуда қадимий санъат туридан бири бўлиб, дастлаб битта асар тайёр бўлиши учун учта хунарманд уста меҳнат қилган. Бугунги кунда юксак сабр ва иродага эга бўлган мисгар усталар борки, улар бир ўзи анашу уч хунарманд ишини бажариб халққа керакли буюмларни тайёрлайдилар. Қўқон кандакорлик мактабининг давомчиларидан бири бўлган мисгар уста Фозилжон Обидовнинг ишлари фикримиз исботидир.*

Аннотация: *В народно-прикладном искусстве египетское искусство является одним из древнейших видов искусства, когда три мастера работают над созданием одного произведения. Сегодня есть мастера, которые имеют большое терпение и волю, которые выполняют работу трех хитрых людей и готовят необходимые вещи для людей. Одним из последователей Кокандской школы химии является доказательство работ мастера Фузилжона Обидова.*

Annotation: *In the folk applied arts, the Egyptian art is one of the most ancient types of art, with three craftsmen working to make a single piece of work. Today, there are masters who have great patience and will, who perform the work of three cunning men and prepare the necessary things for the people. One of the followers of the Kokand School of Chemistry is the proof of the works of the master of Fuziljon Obidov.*

Калит сўзлар: *амалий санъат, мис, мисгар, рикстагор, кандакор, гирех, ислимий, табанок, хоискори, усто.*

Ключевые слова: *прикладное искусство, медь, медник, рикстагор, кандакор, гирекс, ислими, табанок, хойскори, усто.*

Keywords: *applied art, copper, coppersmith, rixtagor, kandakor, girex, islimiy, tabanok, khoiskori, usto.*

Жуда қадимий саналган мисгарлик санъати ҳақида баъзан, бу санъат тури қанчалар тарихга эга, инсонларга нима учун керак бўлган, бугунги кунда йўқолиб бораётганини сабаби қайда, наҳотки келажакда мисгар хунармандлар ва уларнинг нафис санъати ўта саноқли бўлиб қолса, деб ўйлаб қоламиз. Йўқ бундай бўлишига йўл қўймаслик керак. Шу боисдан ёшларга қадимий санъатимиз ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий билимларни беришимиз зарур.

Мис — қадим замонлардан инсониятга маълум бўлган металл саналади. Мис ва унинг қотишмалари инсониятнинг моддий маданиятини ўсишида катта аҳамиятга эга бўлган. Қадимда юнонлар мис рудасини биринчи бўлиб Кипр

оролларидан қазиб олганликлари боис, унинг номи лотинча “киргит” деб аталган. Мис табиатан таркибида темир, кумуш ҳаттоки олтин бўлган руда ҳолида учрайди. У инсоният ҳаётий физиологик жараёнида қатнашадиган муҳим элемент ҳисобланади.

Соф мис, мис рудаларини қайта ишлаш йўли билан олинади. Ундан моҳир усталар лаган, офтоба, жом, самовар ва шу каби бошқа кундалик эҳтиёж бумларини ясайди. Қадимда мисгар усталар соф мисни совуқ холда ишлатганлар, шунинг учун ҳам мис буюмлар юмшоқ ҳамда мўрт бўлган. Кейинчалик эса мис ва қалай қотишмасидан ҳосил қилинган бронзадан фойдаланилган. Бронзадан ишланган буюмлар бирмунча мустаҳкам бўлган.

VIII—XIII асрларда қимматбаҳо металллардан қилинган идишлар ислом дини дунёсининг кўпгина ҳудудларида урф бўлиб қолган эди. Олтиндан жуда кўп нарсалар ишланар, биноларнинг безакларига олтин суви югуртириларди. Кейинчалик эса хом ашё сифатида биргина қимматбаҳо металлларнинг ўзи кифоя қилмай, анча арзон материаллар мис ва унинг турли қотишмалари ишлатилди. Қизил мисдан ҳар хил кўзалар, декчалар, идиш-товоқлар, жездан ва сариқ мисдан гёмдонлар, поймонлар, оқ мис ҳамда бринждан кўзалар, тоғоралар, катта-кичик пиёла ва шу кабилар ясалар эди. Булар ясашиши натижасида ўз-ўзидан мисгарлик санъати юзага келди.

Мисгарлик санъати энг нафис ва мураккаб санъат тури бўлиб, битта яхлит санъат асари тайёр бўлиши учун уч хил ҳунарманд уста тер тўкади.

Улар:

☒Мисгар;

☒Рихтагор;

☒Кандакор.

Мисгар, сариқ, қизил мис рудасидан турли идишларнинг шаклини ясаб, ички ва ташқи қисмини сирлаб қалайлаган.

Мис идишлар яшаш асосан икки хил бўлар эди: “табанок” – эритиб қўйиш ва “хоискори” – болғалаб яшаш.[1]

Рихтагор, буюмнинг айрим деталларини масалан, дастаси, қопқоғи, қўббасининг учи (сонуласини), тумшуги ва бошқа қисмларини ясаган ва мисгарнинг идишларига мослаб, бириктирган.

Кандакор эса, буюм бўлақларини ичини қум ёки албастер аралашмаси билан зичлаб тўлдириб, очиқ жойларини мис бўлақлари билан ёпиб унинг устидан пўлат қалами ёрдамида ўйиб ҳамда йўниб чиройли нафис нақшлар билан безаб тайёр буюмни халқ хизматиға топширган.

Қурама тоғларининг жануби-ғарбий қисмидан Қизилқум ҳамда Нурота тоғларидан топилган топилмалар миснинг Ўрта Осиёда қадимдан ривожланганлигини исботлайди.

XI асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё халк амалий санъатида катта бурилиш бўлди. Кандакорлик тез суръатлар билан ривожланди, мис ва унинг котишмаларидан янги-янги буюмлар пайдо бўлди, турли тўртбурчакли баркашлар, корни шарсимон ҳамда бўйнига нақш солинган кўзалар, ярим дои-ра кетмонлар, сиёхдонлар, ҳовонча ва бошқалар жуда кўп ишлатилар эди. Бу буюмларнинг юзаларига бўртма кандакорлик усулида нақш ишлаш камайиб бориб, унинг ўрнига ўйиб нақш ишлаш (гравюра) урф бўлиб колди.[2]

XVIII—XIX асрларда Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хива каби шаҳарларда аъло даражали бронза ва мисдан идишлар яшаш кенг тарқалган. Мисгарлик санъатининг ўзига хос мактаблари сифатида Бухоро, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларни келтиришимиз мумкин. Ушбу мактабларнинг бир-биридан фарқи буюмга берилаётган нақшларда. Мисол учун, Бухоро кандакорлик мактаби усталари буюмларга нақш солишда “гирех” нақш услубидан фойдаланса, Тошкент кандакорлик мактаби усталари “ислимий” нақшлар асосида буюмларга безак берадилар.

Қўқон мисгарлик мактабининг кандакорлик андозаси Бухоро мактабидан олинган бўлиб, кейинчалик бу мактаб усталари буюмлар юзасини ҳам гирех, ҳам ислимий нақшларнинг бирикишидан ҳосил бўлган мураккаб нақш туридан фойдаланиб идишлар юзасини сайқаллаганлар. Лекин Бухоро усталари нақшни буюмга ёддан ўйиб ишласалар, Қўқон усталарида нақшларнинг расмлари бўлган. Бу расмларни усталар ўзлари чизар, баъзида тайёр суратлардан фойдаланганлар.

Қўқонлик уста Мулла Аттаулла Мухаммад Ражаб ўғли 1820 йилда Бўхорога диний илмини, малакасини оширгани бориб, дарсдан бўш вақтларида наққош-кандакор устага шогирд тушиб хунар ўрганади. Қўқонга қайтгач диний соҳада мадрасаларда ишламай, Қўқон хони Худоёрхон замонида 1822-1861-йилларда саройда ишлаб, мана шу хунарни давом эттиради ва кўплаб шогирдлар тайёрлайди. Бу билан бир қаторда хонга маслахатчи ҳам бўлади. Устазода уста мис идишларга сирли ранг билан хон саройининг суратини ҳам тушурган. Мулла Атаулла 1882 йилгача яшаб 6 та ўғил, бир нечта қизнинг отаси бўлиб, 86 ёшида вафот этади.

Устанинг авлодлари ҳам ота касбни давом эттиришди ва ривожлантиришди. Улар ичида устага учинчи авлод ҳисобланган Лутфилла Фозилов қўқон мисгарлигини ривожланишини юксак даражага кўтарди, шу боисдан ҳам устанинг шогирдлари водий бўйлаб тарқалган. Лутфулла Фозилов табиатан меҳнатсевар, тиришқоқ ва ғайратли инсон бўлганлигини расмларидан ҳам билиш мумкин.

Қўқон мисгарлик мактаби фаолиятини давом эттириб келаётган усталардан бири Фозилжон Обидов Ахроржон ўғли бўлиб, у 1954 йилда Қўқонда тўғилган. Мактабда ўқиб юрган даврида уста Лутфулла Фозилов томонидан ташкил этилган “Кандакорлик” тўғарагида маъданга нақш солиш сирларини ўрганади. Қўқон политехникумида ўқиб, харбий хизматда юрган чоғларида ҳам қўлидан болғача ва

пўлат қаламни қўймайди. Ҳизматдан қайтгач, “Усто” бирлашмасининг Тошкент бўлимида, сўнгра Қўқон бўлимида кандакор Уста сифатида фаолият кўрсатди.

Уста мисгарлик санъатининг уч босқичи саналган мисгарлик, рихтакорлик, кандакорлик сирларини бир ўзи сабр ва меҳр билан ажойиб санъат асарига буюмларни бунёд этади. Фозилжон уста кўпроқ лаган, кашқўл, кўза, самовар, чойдиш каби йирик идишларни ясайди ва нақишлар билан безайди. Албатта буюм шакллари тайёр бўлгандан сўнг, ўларга нақш чекишдан аввал ичини қўм, латта ёки албастер аралашмаси билан яхшилаб зичлаб тўлдиради. Нақш чекилгач, ҳосил бўлган ажойиб шакллар томоша қилинади ва янада нафислаштирилади. Тайёр холатга келган идиш юзаси махсус кукун билан ишқалаб пардозланади. Шу йўсинда бир санъат асари пайдо бўлади.

Уч устанинг ишини бир ўзи бажарадиган Фозилжон Обидов мўраққаб хунарнинг иш услубларини фарзандлари Фаррухбек ҳамда Фарходбекларга ва улар қатори кўплаб шогирдларига энг майда сир-синоатигача ўргатиб келмоқда.

Кандакор уста кўплаб танловларда, халқаро кўрғазмаларда қатнашиб “Ташаббус – 2011” кўрик танловининг вилоят босқичида фахрли учинчи ўринни қўлга киритган.

Фозилжон Обидов Ўзбекистонда ташкил этилган барча кўрғазмаларда фаол иштирок этиш билан биргаликда Германия, Швецария, Австрия, Малазия каби давлатларда ташкил қилинган халқаро кўрғазмаларда ҳам қатнашиб Қўқон мисгарлик санъатини оламга танитишда ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Б.Сергеев. “Ўзбекистонда мисгарлик”. Тошкент – 1960.
2. С.А.Булатов. “Ўзбек халқ амалий безак санъати”. Тошкент. “Мехнат”1991.
3. Nilufar, Kasimova. "IN FINE ARTS AND DRAWING LESSONS" USING CASE STAGE EDUCATIONAL TECHNOLOGY." Open Access Repository 9.11 (2022): 88-92.
4. Qosimova, Nilufar. "5 YOSHGACHA BO'LGAN BOLALARNI RASM CHIZISHGA O'RGATISH METODIKASI." Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot 1.19 (2022): 14-17.
5. Qosimova, Nilufar. "IN FINE ARTS AND DRAWING LESSONS" USING CASE STAGE EDUCATIONAL TECHNOLOGY." Scienceweb academic papers collection (2022).
6. Kasimova, Nilufar Muratjon Kizi. "Representatives of the Kokan School of Coppersmithing, Glorifying the National Craft." RegiINTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT 4.11 (2022): 86-90.
7. Muhammedovich, Sharabayev Ulug'bek. "Problems of Teaching Drawing at School." International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development 4.1: 35-39.

8. Nilufarkhan, Qosimova, and Abdusattorova Dildorakhan. "THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE HISTORY OF APPLIED ARTS OF UZBEKISTAN." E Conference Zone. 2022.
 9. Rahimberdiyev, Abdulaziz, and Nilufar Qosimova. "KANDAKOR USTA, YORQINJON AXMADALIEVNING "IQTIDOR MARKAZI" DAGI FAOLIYATI." Development of pedagogical technologies in modern sciences 2.2 (2023): 36-41.
 10. Solijon o'g'li, Qosimov Barkamol. "ODDIY QALAMNING "BUYUK ISHLARI"." " Conference on Universal Science Research 2023". Vol. 1. No. 2. 2023.
 11. Solijon o'g'li, Q. B. (2023, February). ODDIY QALAMNING "BUYUK ISHLARI". In " Conference on Universal Science Research 2023" (Vol. 1, No. 2, pp. 159-162).
 12. Solijon o'g'li, Qosimov Barkamol. "CARPENTRY SCHOOLS-APPLIED ART FOUNDATION OF DEVELOPMENT." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 10.11 (2022): 945-949.
 13. Qosimov, B. (2022). CARPENTRY SCHOOLS-APPLIED ART FOUNDATION OF DEVELOPMENT. GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL.
 14. Qosimova, Nilufar. "GOALS AND OBJECTIVES OF CREATIVE THINKING IN THE COURSE OF THE LESSON." International Journal of Early Childhood Special Education (2022).
 15. Yo'ldoshevich, Ergashev Madaminjon. "GOALS AND OBJECTIVES OF CREATIVE THINKING IN THE COURSE OF THE LESSON."
 16. Qosimova, Nilufar. "Metals and their Alloys Application in Applied Art." International Journal of Formal Education (2022).
 17. DAVRONOVA, NILUFAR. "QADIMGI YEVROPA ANTIK SANATI." Наука и технология в современном мире 2.8 (2023): 53-56.
 18. Davronova, Nilufar, and Muslima Tursunova. "ANATOMIK BOSH NAMUNASINING QALAMTASVIRI. EKORSHE (ANTUAN GUDON IJODIY HAYKALI) GIPS BOSHINI TASVIRLASH." Наука и инновация 1. Maxsus son (2023): 78-82.
 19. Davronova, Nilufar, and Oyshaxon Mo'minjonova. "TIK TURGAN XOLATDAGI INSON QOMATINING MURAKKAB XOLATDAGI TASVIRINI ISHLASH." Наука и инновация 1. Maxsus son (2023): 83-87.
 20. Davronova, Nilufar. "RANGTASVIR MATERIALLARI VA ISH QUROLLARIDAN NATURADAN ISHLASHDA FOYDALANISH METODIKASI." Наука и технология в современном мире 2.11 (2023): 7-12.
- Карабаев, М. К., Абдуманнонов, А. А., & Махмудов, Н. И. (2013). Об интеллектуализации медицинских информационных систем. *Современная наука: актуальные проблемы теории и практики. Серия: Естественные и технические науки*, (9-10), 60-65.